

TÜRKBİLİMDE ARAYIŞLAR

TİMUR KOCAOĞLU

armağanı

1. Kitap

EDİTÖR

ALEYNA MALKOÇ

KUTLU YAYINEVİ
AKADEMİK BİLİM
YAYINLARI



TÜRKBİLİMDE ARAYIŞLAR

Timur Kocaoğlu Armağanı

Birinci Kitap

Editör:

Aleyna Malkoç

**Kutlu Yayınevi
2022**

БУХОРО ЁШЛАРИНИНГ ТУРКИЯДАГИ ЖАМИЯТЛАРИ

Доц. Др. Дилноза Жамолова*

Туркия ва Ўзбекистоннинг муштарак алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Усмонийлар империяси давридаёқ дипломатик ва савдо алоқалари ўрнатилган бу давлатларнинг XX аср бошларидағи муносабатлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Тил ва дин бирлиги бу икки давлатни янада яқинлаштирувчи куч эди.

Маълумки, XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Туркияда ижтимоий фикр ривожланиб, Шарқ дунёсидаги халқлар ушбу мамлакатда вужудга келган Ёш турклар ташкилоти ва ҳукумати ёрдамига умид кўзини тиккан эдилар¹. Айниқса, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига илғор фикрли саводгарлар ва уламолар ўз фарзандларини, иқтидорли болаларни Туркияда ўқитиш чораларини кўришган. Бу ҳолат Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топгандан кейинги даврларда ҳам давом этган.

Бухоро амири Абдулаҳадхон мамлакатнинг тараққиysi ва истиқболи учун хорижий давлатлар маданий алоқалар ўрнатган бўлиб, 1905 йилда Туркияга доимий вакил қилиб Абдулҳамид Абдураҳмон афанди юборган эди. Ушбу шахснинг Истанбулда мол-мулклари, савдо дўконлари ва тегирмонлари бўлиб, у бу мулкларни ёшлар таҳсил олиши учун Истанбулга вақф қилиб берган эди².

Туркияда Ёш турклар хокимияти (1908) ўрнатилмасдан олдин Бухоронинг обрў-эътиборли руҳонийларидан бири Нурали Ҳасанов 1902 йилда Ҳаж ибодатидан қайта туриб, Туркия сultonни билан учрашган ва фарзанди Фиёс Ҳасановни олий маълумот олиш учун Истанбулда қолдирган. Фиёс Ҳасанов 1911 йилда Бухорога қайтиб келган ва Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг фаол иштирокчисига айланган. У ўзининг моддий таъминоти учун отаси Истанбулда очиб берган иккита савдо дўконини юргита қайтаётганида, Бухоро ёшлари таҳсили учун вақф қилиб берган³.

* Бухоро давлат университети ўқитувчиси.

¹ Ражабов Қ. Ёш турклар. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 3. – Тошкент: ЎзМЭ нашриёти, 2002. б. 498.

² Ўзбекистон Миллий архиви (Ўзбекистон МА), И-3 фонд, 1-рўйхат, 1168-ийғмажилд, 165-варақ.

³ Ўзбекистон МА, И-3 фонд, 1-рўйхат, 1168-ийғмажилд, 165-варақ.

Бухоро, Туркистан ва Хоразмда XX аср бошларида жадидчилик ҳаракати вужудга келиб, унинг асосий мақсади мактаб ва маориф ишларини ислоҳ қилишдан иборат бўлган. Жадидлар саъй-ҳаракати билан янги усулдаги мактаблар очилгандан кейин уларни моддий таъминотида муаммолар юзага кела бошлайди. Ушбу масалани ҳал этиш мақсадида маҳсус ширкатлар, хайрия жамиятлари, матбаа-нашриёт уйлари ташкил қилинади. Хайрия жамиятлари Ватан ва миллат эҳтиёжлари учун қилинадиган эҳсонлар эвазига ташкил қилинган бўлиб, муаллимлар ёки таълим-тарбия жамияти, тижорат жамияти, дехқончилик ишлари жамияти ва бошқалардан иборат бўлган. Бундай жамиятлар нафақат хайр-эҳсонга муҳтоҷ мамлакатларда, балки тараққий этган давлатларда ҳам ҳалқ, Ватан, илм-фан манфаатлари йўлида улуғ ишларни амалга оширади. Жадидчилик ҳаракати раҳбарлари ҳам бундай жамиятлар, ширкатлар очиш, жамғармалар ташкил қилиш, улар фаолиятини ватан равнақига, миллат истиқболига йўналтириш масаласига катта аҳамият бердилар.

Мунавварқори Абдурашидхонов “Жамият қандай очилур?” мақоласида хайрия жамиятларини ташкил этиш қонун-қоидалари ва мақсад-вазифалари ҳақида маълумот бериб:

“Мактабни очуб қўя қолғон ила иши битмаслиги, балки анинг фарқи ва давоми учун моддий ва маънавий ёрдам ва маъвоанатлар, гайрат ва ҳимматлар лозим эканлиги англашилмишидур. Бунинг учун энг яхши чора жамиятни тузмисилар. Яъни расмий бир қонун доирасинда ҳалқдан иона ийигиб очилмии ва очиладурғон мактаб ва дорулуумларнинг нуқсон ва эҳтиёжларин енгиллик ила ислоҳ қилмоқ ва адo қилмоқ усулини ижод этмисилар. Бора-бора бу жамият шу қадар тараққий қилмии ва раҳмат касб қилмиски, маданий миллатнинг бутун тараққиёти диния ва эҳтиёжиёти миллатлар учун энг ишончли суюнчиқ ва муттакои эттиҳоз ўлинмии ва уларда маданият нарвонининг биринчи босқичи мактаб, иккинчиси жамият экан”¹,

- деб ёзади.

Жамиятларни ташкил қилиш, улар фаолиятини замон талабларига мослаштириш ишларига Махмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат каби жадидчилик ҳаракати намояндлари муносиб ҳисса қўшганлар. Уларнинг ташаббус ва ҳаракатлари билан Тошкентда “Турон”, Бухорода “Тарбияи атфол”, Кўконда “Ғайрат” каби хайрия жамиятлари, 10 тага яқин ширкат, нашриёт ва кутубхоналар ташкил этилган. Буларнинг асосий вазифаси янги усул мактаблари фаолиятини мунтазамлаштирган

¹ М.Қори. Жамият қандай очилур? “Садойи Туркистан”, (1914 йил 14 июнь).

ҳолда матбуот ва нашриёт ишларини янада жонлантиришдан иборат бўлган.

Туркистон, Бухоро ва Хоразм шароитида жамиятлар очиш ниҳоятда оғир кечди. Чунки бундай жамият ва ширкатлар очиш учун ҳукумат томонидан рухсат олиниши керак эди. Маъмурлар бундай ишларга карши турли-туман сунъий тўсиқлар вужудга келтирасар эдилар. Усули жадид мактабдорлари бундай тўсиқлар, таъқиб ва тазииклардан чўчимадилар, улар ўз фаолиятлари доирасини кенгайтириб бордилар: Тошкент, Самарқанд Фарғона водийси шаҳарларида фаолият кўрсатаётган мутафаккирлар билан алоқа боғладилар, Туркия, Қrimга талабалар юбориш, ўз сафларини ўсиб келаётган билимли ёшлар ҳисобига мустаҳкамлашга киришдилар.

1909 йилда Садриддин Айний, Абдувоҳид Мунзим, Аҳмаджон Ҳамдий, Ҳамидхўжа Мехрий, Ҳожи Рофеъ, Мукаммал Бурҳоновлар Бухорода “Тарбияи атфол” (“Болалар тарбияси”) номли яширин жамиятини тузганлар¹. Жамият аъзолари тамомила яширинча иш олиб бориб, Термиз, Карки, Янги Бухоро ва Фиждувонда жамиятнинг 28 та шахобчасини очадилар². Бу жамиятнинг саъй-ҳаракати билан усули жадид мактаблари яна бирин-кетин очила бошлади. Жамият низомида сиёсий масалалар ўз ифодасини топмаган бўлса-да, унда Бухоро амирлиги сиёсий тузумини ислоҳ қилиш, давлат маъмуриятига илғор ёшлардан киритиш ва шу йўл билан давлат сиёсий тузумида илғор ўзгаришлар ясаш кўзда тутилган эди. Жамиятнинг бирламчи масаласи Бухоро ўқув муассасаларини тубдан ислоҳ қилиш эди. Бухоро эски мактабларини ислоҳ қилиш иши амалда бошланган бўлса-да, олий ўқув юрти ҳисобланган мадрасалар ислоҳи бошланмаган, улар илмли, малакали мутахассислар тайёрлашдан йироқ эди. Шунинг учун “Тарбияи атфол” жамияти иқтидорли ёшларни Истанбул, Оренбург, Уфа, Қозон, Боғчасарой каби шаҳарларга ўқишига юборишни биринчи вазифа сифатида белгилади. Бунинг учун маблағ керак эди. Халқ истиқболи, маърифати учун жон куйдирувчи мулкдорлар ҳам, иқтисодий ёрдам берувчи зиёлилар, давлат арбоблари ҳам топилди.

“Тарбияи атфол” жамияти ўз фаолияти даврида куйидаги ишларни амалга оширган:

¹ Ражабов Қ. *Тарбияи атфол*. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ нашриёти, 2004. б. 271.

² Айний С. *Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар*. Москва: СССР халқларининг марказий нашриёти, 1926. б. 84.

Биринчидан, илмга чанқоқ ёшларга ҳар жиҳатдан: ҳам иқтисодий, ҳам мәйнавий ёрдам күрсатиб, Туркия ҳамда Россиянинг Қозон, Уфа, Бөгчасарой шаҳарлариға ўқувчилар юбориш масаласига алоҳида эътибор берди. Истанбул шаҳрида таълим олаётган бухоролик талабалар сони 1911 йилда 15 та, 1912 йилда эса 30 дан ошади¹.

Иккинчидан, жамият Бухоро амирлигида Туркия ва Эронда ҳамда Россия мусулмон шаҳарларида нашр қилинадиган матбуот намуналари билан бухороликларни танишириб боришга катта эътибор берди. Бухородаги Россия сиёсий агентлигининг ҳар қандай таъқиб ва тўсиқларига қарамай, жамиятнинг саъй-ҳаракати билан бундай нашрлар амирликда ҳам кенг тарқала бошлади.

Учинчидан, ҳамма жадид мутафаккирлари каби “Тарбияи атфол” жамияти аъзолари ўринсиз сарф-харажатларга, тўй ва маъракаларга сарф қилинадиган катта-катта харажатларга, исрофгарчиликларга қарши чиқдилар. Бундай маблағларни фарзандлар тарбиясига, уларни чет элларда ўқитиш учун сарф қилишга даъват этдилар. Ушбу жамият 1914 йил марта “Маърифат” ширкати тузадилар ва 1915 йил 22 декабрда амир Олимхон бу жамиятнинг уставини тасдиқлаб беради². Бу ширкат китоб савдоси билан шуғулланар, усули жадид мактабларини дарслек ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашга жамиятнинг бирламчи вазифаси сифатида қарап эди.

“Тарбияи атфол” жамиятни ўз фаолиятининг дастлабки йилида ёқ бир гуруҳ ёшларни Истанбулга ўқишига юборди. Туркияда таълим олишдан мақсад ўлқадаги “усули жадид” мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, “усули тадрис”нинг ҳам амалий, ҳам назарий асосларини ишлаб чиқиши, дарслеклар, ўқитувчилар учун услубий қўлланмалар яратиш эди. Туркларнинг “усули савтия” методида илк бор яратилган Аҳмад Мидхатнинг “Хожай аввал” (1868 йил) алифбоси ҳамда Исмоилбек Гаспиринскийнинг “Хўжай сибён” дарслек-алифбосидан Бухоро жадид мактабларида дастлаб дарслек сифатида фойдаланилган бўлса, кейинчалик шулар асосида маҳаллий муаллимлар ўзлари дарслек яратганлар³.

Бухоро амирлигидаги жадидчилик ҳаракатида фаол иштирок этган Усмонхўжа Пўлатхўжаев ва Ҳамидхўжа Мехрийлар 1908 йилда ўқиши учун Эрон худуди орқали Туркия пойтахти Истанбулга борганлар. Бу ерда уларни Бухородан келган бир расмий ҳайъат каби эъзоз билан кутиб оладилар. Ўша пайтда Туркияда Ҳарбий ишлар Нозири бўлган Анвар пошо уларни олий даражада қабул қиласи. Бу ҳодиса Россиянинг Туркиядаги элчисини хавотирга солиб, бу ҳакда рус императори Николай II га хабар

¹ Тоҳир Қаҳҳор. *Ҳур Туркистон* учун. Тошкент: “Чўлпон”, 1994. б. 29.

² Ўзбекистон МА, И-461, 1-рўйхат, 1919-йиғмажилд, 12-варак.

³ Долимов У. *Туркистонда жадид мактаблари*. Тошкент: Университет, 2006. б. 68-69.

берган. У Бухоро амири Абдулаҳадхондан Усмонхўжа ва Ҳамидхўжа ҳақида маълумот сўрайди. Абдулаҳадхон рус ҳукмдорига: “Улар ёш болалардир, Туркияга таҳсил олиш учун боргандар”¹, - деб жавоб қайтарган.

Усмонхўжа ва Ҳамидхўжа Истанбулдаги мактаб ва маориф, миллий маданият соҳасидаги шахсиятлар билан танишадилар, сұхбатлар қурадилар; хусусий дарс оладилар, дунёвий фанлар бўйича билимларини орттирадилар.

Истанбул дорулғунида таҳсил олаётган Абдурауф Фитрат Туркияда ўқиётган ватандош ўкувчи-талабаларга ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиш, Бухоро ва Туркистондан талабалар келишини кўпайтириш ва мунтазамлаштириш мақсадида жамият тузади ва унинг мукаммал Низомномасини ишлаб чиқади. Бу хужжат 1909 йилда Истанбулнинг Вазирхон кўчасида жойлашган “Матин” типографиясида нашр қилинган бўлиб, 4 бобдан иборат. 1-боб ““Бухоро таъмими маориф хайрия жамиятининг асосий қоидалари”, 2-боб “Фавқулодда йигинлар, умумий йигинлар, мунтазам йигинлар”, 3-боб “Талабаларни жамиятга қабул қилиш” ва 4-боб ““Бухоро таъмими маориф жамияти хайриясининг хатти-харакатлари” деб номланади².

“Бухоро таъмими маориф жамияти”нинг таркиби доимий ва муҳбир аъзолардан иборат бўлган. Жамиятнинг бош органи Кенгаш бўлиб, унинг 14 кишидан иборат таркиби доимий аъзолардан сайланган. 14 киши орасидан эса жамият раиси тайинланган. Жамиятга аъзо бўлувчилар ҳар ой 10 пиастр³ миқдорида бадал тўлаши шарт бўлган⁴. Туркияда таҳсил олишни хоҳловчи Бухоро ва Туркистондаги камбағал оиласаларнинг фарзандлариға моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида очилган бу жамият - 10 ёшдан 15 ёшгacha бўлган соғлом болаларни қабул қилишни шарт қилиб қўйган⁵. Жамият фаол аъзоларидан Ҳамидхўжа Мехрий нафақат Бухоро ва Туркистонда, балки 1910 йилда Хива хонлигига ҳам бориб, у ердаги ёшларни Туркияга бориб таҳсил олишга даъват этган⁶.

¹ Тоҳир Қаҳҳор. Ҳур Туркистон учун. б. 10-11.

² Ўзбекистон МА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 949-йигмажилд, 17-20-вараклар.

³ Пиастр – юононча сўз бўлиб, “Италия кумуш тангаси” деган маънони англатади. Туркия, Миср, Ҳиндихитой давлатларида амалда бўлган қадимий пул бирлиги.

⁴ Ўзбекистон МА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 949-йигмажилд, 17-варак.

⁵ Ўзбекистон МА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 949-йигмажилд, 19-варак.

⁶ Ўзбекистон МА, И-2 фонд, 1-рўйхат, 285-йигмажилд, 11-варак.



*Бухоро таъмими маориф жамияти хайриясининг хатти-ҳаракатлари
Истанбул 11 шаввол 1327 (16 октябр 1909) [Темур Хўжа архиви]*

“Низомнома”нинг “Бухоро таъмими маориф жамияти хайрияси” хатти-ҳаракатлари боби жамиятнинг мақсадларини ифодаловчи 14 моддадан ташкил топган:

“1-модда. “Бухоро таъмими маориф жамияти” Туркистонда, ва билхосса, Бухорода нашри улум (илем ёйиш) ва таъсиси макотиб (мактаблар очиш) мақсадида қурилган бир хайрия жамияти бўлиб, ҳеч қандай

сиёсий мақсад қўзламагани каби мавжуд жамият сиёсатга ҳам ҳеч бир муносабати йўқдир.

2-модда. Жамиятнинг кўзлаган ягона мақсади моддий имкониятлари доирасида Бухоро ва Туркистондан ҳар йили лозим кўрилгани қадар талаба келтириб, уларни Истанбул мактабларида ўқитмоқдир.

3-модда. Талabalар жамиятнинг ҳимояси остида бўлиб, ахлоқи ва бошқа турли жиҳатлари назорат қилинади.

4-модда. Ўқиши тутатган талабанинг истиқболи ва маслаки отийсини (келажақдаги иш ўрни) жамият ҳал этади ва бу хусусда аксарият чиқариладиган қарорга ҳеч бир талаба хилоф иш тутмайди. Акс холда, у таҳсил учун сарфланган харажатларни қайтаришга мажбурдир.

5-модда. Бухорода очиладиган мактабларнинг курилишига ва олиб келинадиган талabalарнинг йиллик таҳсил харажатларига кўмак бериш мақсадида Бухоронинг фидойи бойларига мурожаат сўнггида берилажак ионалар қабул қилинади.

6-модда. Таъсис этиладиган мактабларнинг идора ҳайъати ва таълимидаги факат жамият томонидан тайинланадиган шахслар жамият кўядиган талабларни қабул қилиш шарти билан фаолият юргизадилар.

7-модда. Таҳсил харажатларини бошқа жамиятга йиллик эллик рубл беришни бўйнига олган ағниёнинг муходими жамиятнинг назорати ва ҳимоясида таҳсил ола биладилар.

8-модда. Мухбир аъзога ҳар уч ойда бир марта жамиятнинг чиқарилган қарорларини ўз ичига олган ҳужжатлар тўплами юборилади.

9-модда. Юборилган ҳужжатнинг баъзи жиҳатига мухбир аъзолар томонидан билдирилган фикр мулоҳазалар музокара сўнггида эътиборга олинади.

10-модда. Ҳозирча жамиятнинг шўйбалари йўқ. Бироқ бир неча ишончли вакиллари мавжуддир.

11-модда. Вакилларнинг жамият доктринасига хилоф ҳаракат қилганлари маълум бўлиб қолган тақдирда аъзойи мушовари қарори билан бир умумий баённома чиқарилиб, мазкур кишига берилган ишончнома хукми бекор қилинади.

12-модда. Жамиятнинг бир кутубхонаси бўлади ва арбоби ҳамият томонидан совға этилган китоб ва рисолалар билан тўлдирилади.

13-модда. Жамиятнинг ҳужжати расмий муҳр билан тасдиқланади.

14-модда. Жамият мақсад-ғояларини амалга ошириш учун лозим бўлса, нашр ишларига ҳам мурожаат қиласи¹.

¹ Ўзбекистон МА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 949-йигмажилд, 19-20-вараклар.

— ٧ —

ماده ۲ چىتىك يگانه هدف مقصودى ورئاستك درجه
ئىمەنلە كورە خازارا و تۈركىستاندىن ھېرىز لىزومى قدر طابه كىتىرۇپ
امتائى يول مەكتابىندا تحصىل اىتىدىمكىر .

ماده ۳ طابه چىتىك نىخت حابىسىندا بولۇپ اخلاقىنى
و ھەر دىرىلو امور و خصوصىتە ئىقشارات ايدىلەجىكىر .

ماده ۴ اكال تحصىل ايدىن ظەننەك اشتىلى و مىلت آنىسى
چىمىت طرقىدىن دوشۇنىڭچىك واكىزىتك ويرەپچىقى قىلىزىمەجىج
بر طابه خانقىتىدە بولۇپ جىلدەر ، خالقات ايتىدىكىي تقدىررەدە مصارف
تحصىلىيي اعادىمە بىخوردر .

ماده ۵ خازاراء تاشىس ايدىلەجىك مەكتابىك ائتسانى
و كىتىرەلەجىك ئىللەلات مصارف سۈرىيە تحصىلىدە بىدار اولىق اوزىزە
بىخولوا چىتىمندان اغىتسان مىراجىتىه مطوعاً ويرەپچىكىرى امامات
قىول لوڭىدەجىتىر .

ماده ۶ تاشىس ايدىلەجىك مەكتابىن ھېنىت ادارە و تىليمىع
سىنە آنچىق چىتىك تىرىزىن ايدىلەپچىك دوات چىتىك شىراڭلىق قىول
اپلىك شىرتىپە استخدام اوڭىدەجىندر .

ماده ۷ مصارف تحصىلىدەن بىللە چىمىت سۈرىي ئالىز دۈرۈلە
ورىمىكى تىمىد ايدىن اقپالىك خازارىمىي چىتىك نىخت ئىقشارات و حابىسىنى
تحصىل اىدە بىلەجىكىر .

ماده ۸ احتىاي خازار بىھەر اوج آيدىدە بىر كەن چىتىك خىلاست
مەقوراتى ساوى بىر بىلەجىكىر .

“Бухоро таъмими маорифи жамияти” ҳеч қандай сиёсий мақсадни кўзламаган, унинг асосий вазифаси Бухорода илм тарқатиш ва мактаблар очиш, моддий имконият доирасида ҳар йили Бухоро ва Туркистондан Истанбулга таҳсил олиш учун талабалар юборищдан иборат бўлган. Истанбулга таҳсил олиш учун кетган талабалар олдига бир қатор талаблар қўйилиб, улар қонуний жиҳатдан асосланган. Жумладан, талабалар жамият ҳимоясида бўлган ва уларнинг ахлоқи ва бошқа жиҳатлари назорат қилинган. Европа маданиятини кўр-кўронга қабул қиласлиқ, келгусида ўз юртларига яхши мутахассис бўлиб қайтишлари ва унинг истиқболи учун фидойи ватанпарвар сифатида хизмат қилишлари, ўқишини тугатган талабаларнинг келажақдаги иш ўрни жамият томонидан ҳал этилиши, талаба жамият томонидан чиқарилган қарорга хилоф иш тутмаслиги, акс ҳолда унга сарфланган сарф-харажатларнинг ундириб олиниши ўқтирилган. Ушбу жамият ҳақида Заки Валидий Тўғон қуидагиларни ёзади:

“Бу жамият (Тарбияи атфол) Истанбулда бир шўъба очароқ, унга 1911 йил 15, 1912 йилда 30 нафар талаба юборди. Бу шўъба “Бухоро таъмими маориф жамияти” (“Бухоро умумий маориф жамияти”) номи билан расмий бир жамият шаклини олди. 1909 йилда Эрон йўли билан Истанбулга келган Фитрат ила Муқимиддин ва Русия йўли билан келган Усмонхўжса, гулжалик Абдулазиз, Содик Аиур ўғли бу жамиятнинг қурувчилари эди”¹.

Бухородан Истанбулга таълим олиш учун юборилган ёшлар Туркиядаги Россия элчихонаси ходимлари томонидан доимий кузатиб борилиб, улар тўғрисида Петербургга хабар бериб турилган. Жумладан, элчихонанинг Петербургга йўллаган 1911 йилдаги маъфий маълумотида: “Муқаммалиддин Махсум Бурҳонов ва Музҳор Бурҳоновлар ҳомийлигига Бухоро амирлигидан бўлган жами 30 та ўқувчи Истанбулда ўқитилмоқда”², - деб хабар берилади.

1913 йилнинг баҳорида Истанбулда ўқиётган бир гурух ёшлар — Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли

, Атоҳўжа, Фитрат, Ҳомидхўжа ватанларига қайтиб келдилар ва Бухорода "усули жадид" мактаби очишга киришдилар. Бу мактабларни китоблар, дарсликлар билан таъминлаш мақсадида "Маърифат

¹ Заки Валиди Тўғон. *Бугунги турк эли. Туркистон ва унинг янги тарихи.* 2-боски. Истанбул, 1981. с. 354.

² Ўзбекистон МА, И-3 фонд, 1-рўйхат, 1166-йигмажилд, 199-варақ.

кутубхонаси" ва "Баракат ширкати"ни очадилар. Туркия, Татаристон, Крим, Озарбайжонда чиқадиган ҳар бир янги чиққан китоблар, дарслерлар ва нашрлар кутубхонага келиб туради. Россия империясининг Янги Бухоро (Когон)даги хуфияси Бельман томонидан йўлланган махфий мактуб (1912 йил 24 февралда ёзилган)да кўрсатилишича, "Усмон Хўжа Истанбулдан кўплаб сиёсий рисолалар олиб келган. У туркчилик ва исломчилик фояларини тарғиб қилиш билан шуғулланган, яширин сиёсий ташкилот хаётида фаол қатнашган"¹.

Истанбулда таҳсил олиш жарёнида Бухоро ва Туркистон талабалари икки мамлакатдаги илм-фан тараққиёти ва таълим тизимини тақослаб, "Туркистонлиларга хитоб" номли мурожаатномаларини "Ойина" журналига йўлладилар. Бу мурожаатномада:

*"Эй, мусулмонлар, биродарлар! Бизларга чалишимоқ вақти етмадими? Бу қадар жаҳолатга ботдиқмизда етмасми?.. Эмди мозийимиз ила истиқболимизи ўйламоқ керак. Биз, туркистонликлар қадар орқада қолган ҳеч бир миллат қолмади. Африқо ваҳшийларида биздан илгариудурлар. Биз бошига миллатлардан ибрат олайлукда, ўзимизни эркимизни билмоқчи ижтиҳод этайлик. Миллатимиз эҳтиёжини ва миллат ишларини тӯғри йўлга солмакга ҳаракат эдалик. Ватан ишларимиза ҳар турли ёрдамда бўлиналиқ. Жаҳолат ва сафолатдин миллатимизни қутқармоқга чолишиалик. Мактаб-мадраса очмакга, жсамият ва ширкатлик тижоратхоналари таъсис этмоқга ҳаракат эталик. Русия, Оврупа, Миср ва Истанбулга талаба юбормоқ керакдур. Эй, туркистонли мусулмонлар, биродарлар! Кўзингизни очинг, мажалла ва жаридаларга боқуб, дунёни билинг, жаҳолат ичинда гарқ ўлмиш ўлан ватандоши ва миллатдошларимизни қутқармоқ керакдур"*²,

- деб ёзилган эди.

Истанбулда ўқиётган талабалар таҳсил олиш билан бирга Туркияда чиқадиган "Ҳикмат", "Таърифи муслимин", машхур турк шоири Мехмет Акиф муҳаррирлигидаги "Сирот ул-мустақим" ("Тўғри йўл") каби газета ва журналларини Бухорога жўнатиб турадилар ва бу нашрлар тез орада ўз мухлисларига эга бўлади³.

1920 йил сентябрда Бухорода амирлиги ўрнида Бухоро Ҳалқ Совет

¹ Бу ҳақда қаранг: Ражабов К. XX аср бошларида Туркистон ёшлиари. Хукуқ ва бурч, № 1, (2008), б. 42; Ражабов К. Ёш бухороликлар. "Бухоро мавжлари", № 2, (20050, б. 26.

² Бу ҳақда қаранг: "Ойина" (1914-1915 й). (Нашрга тайёрловчилар: Наим Норкулов, Камолиддин Раббимов). Тошкент: Академия, 2001. б. 70-71.

³ Ражабов К. XX аср бошларида Туркистон ёшлиари. б. 43.

Республикаси ташкил топғач, Туркия билан алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди. 1921-1922 йилларда БХСР замонавий олий маълумотли мутахассисларга эга бўлиш мақсадида бир гурух ёшларни Туркия ва бошқа хориж мамлакатларига ўқишга юборди. Ўқувчи ёшларни танлаш ва хорижга йўллашда Ф. Хўжаев, Фитрат, Қори Йўлдош Пўлатов, Абдувоҳид Бурҳонов кабилар мутасаддилик қилишган. Хорижда ўқитиш учун талабаларни танлаш мураккабликлар келтириб чиқарар, бадавлат кишилар ўз фарзандларини чет элга ҳамма вақт ҳам юбормасди. Бухоро ҳукумати ўғил болалар учун очилган етимхоналардан иқтидорли ёшларни танлаб, Туркия, Москва ва Германияга юборишарди¹.

Туркияга ўқишга юборилган талабалар ушбу мамлакатда БХСР вакиллари фаолият олиб бораётгани сабабли ҳеч қийинчиликларсиз жойлашиб, ўқув юртларида таҳсилни бошлаганлар².

1922 йил 2 январда Бухоро Ҳалқ маорифи назорати томонидан 25 нафар талаба олий таълим олиш учун Туркияга жўнатилган бўлиб, уларни олий ўқув юртларига жойлаштириш, моддий ва маънавий таъминотини таъминлаш мақсадида Ҳалқ маориф назоратининг нозари мувонини Исмоил афанди Садир юборилган³. Декабрь ойининг охирида Бухорога қайтиб келган Исмоил афандидан “Бухоро ахбори” газетаси мухбири интервьюю олади ҳамда унинг маълумотларини тўлалигича газетада чоп этади:

“Ботуми орқали Усмонли тупрогига чиқиб, Самсун номли турк шаҳрига етканимиздан кейин, мазкур шаҳарда 2-3 кун истиқомат қилдик. Бу шаҳарда бизни маҳаллий турк ҳукумати гоят даражада яхши қабул этди. Бизнинг шароғатимизга бир қанча жойларда зиёфатлар ясалди ва ҳар хил муҳим ижтимоий масалаларда фикр алмашдик. Мажлисларнинг бирида Анқара ҳукуматининг доҳилия нозари Фатҳбек билан кўп сўйлашмоқча тўғри келди. Бухоронинг бугунги илмий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатларини тафсилоти билан сўйлаганимдан кейин, Фатҳбек таъсирланган ҳолда, Русия буюк инқилобининг натижаларини таъқиб қилиб борганилигини англатди. Итил, Уралбўйи, Крим, Туркистон, Хива ҳамда Бухоро мусулмон камбагалларининг бу кунги мустақил ҳаётларига туркларнинг кўп умид билан қарамоқларини маълум этди. Бухоронинг ҳозирги мустақил ҳаётига тўхталиб, бу ҳақда

¹ Бухоро ахбори, № 158, (1923 йил 18 апрель).

² Туркияда Бухоро талабалари. “Бухоро ахбори”, № 76, (1922 йил 27 март).

³ Усмонли туркларнинг бу кунги ҳоли. “Бухоро ахбори”, № 122, (1922 йил 31 декабрь).

ўзининг ва бутун турк халқининг кўп хурсанд эканликларини билдириди.

Самсун шаҳрида эканимизни тегишили жойга билдиргач, талабаларимизнинг бир бўлagini Трабзун (Трапезунд) Султониясига, иккинчи бўлagini эса Костомира вилоятигининг дорулмуаллимига берии маслаҳат қилинди. Бу хусусдаги лозим амалиётни ижро қилиб, ниҳоят Костомира вилоятига кетдик.

Костомира вилоятида ҳам биз мусоифлар яхши қарашилдик... Мана шундоқ дўстона муомала ҳар жойда бизни фавқулодда буюк маънавият билан қаршилаган узоқдаги турк қардошларимизнинг Бухоро ҳукуматига дўстлик кўзи билан қараб, турмушишимизга яхши муносабатда бўлганларни ҳар бир ҳаракатда кўриниб турадир. Талабаларимизнинг мактабларга кирмоқларига ҳеч бир монелик бўлмади.

Хорижга юборилувчи талабаларимизни бундан кейин ҳам яхши тайёр қилиб юборувда бўлмасак, бу йўлда сарф этган куч ва ҳаракатларимизнинг натижса бера билмаслигини ҳозирдан тушуниб турмогимиз лозимдир. Мактаблар ҳаёти Туркияда бир миқдор тайёрроқ рамкада бўлмоги, Бухорода бекорсоз юриб ўрганган талабаларимизга қисман оғир кўриниши эътиборга олмагандা, талабаларимиз умуман руҳли қолдилар.

*Анқара ҳукуматига 4 саналик санадларини топширганимиз ҳолда, мазкур ёш ҳукуматнинг собиқ маориф нозири Ҳамидулла Субҳи афандига қолдирдик*¹.

1922 йилда Бухоро Республикасининг Туркия (Анатолия)даги талабалар рўйхатида 19 та ўқувчининг исм-шарифи, ёши, миллати, оиласвий ахволи, манзили қайд қилинган. Бухородан Туркияга юборилган ёшларни 3 гурухга бўлиш мумкин: кичик, ўрта ҳамда катта ёшлилар. Хорижга ўқишига юборилганларнинг энг кичик ёшдагиси 10 яшар, катта ёшдагиси 24 яшар бўлган².

1922 йил охирига келиб, Совет ҳукумати БХСР ҳукуматидан Туркия ва Германияда таҳсил олаётган ёшларни зудлик билан чақириб олишга буйруқ беради. Ўз мамлакатнинг тараққиёти ва ривожланишига муносиб ҳисса кўшиш мақсадида Туркия ва Германига таҳсил олиш учун борган бир гурух ёшлар юртига қайtgанида уларга “ватан хоини”, “жосус” тамғалари ёпиштирилиб, қатағонга учрайди. Натижада улар ўз юртларини

¹ Усмонли туркларнинг бу қунги ҳоли. “Бухоро ахбори”, № 122, (1922 йил 31 декабрь)

² Ҳайитов Ш. Ўзбек мұхажисириги тарихи. Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2008. б. 54.

ташлаб Афғонистон ҳудудига ўтиб кетишга, хорижда юрганлари эса юритига қайтмасликка мажбур бўлади. Натижада 1922 йилларнинг иккинчи ярмида Туркистон АССР, БХСР ва ХХСРнинг Германиядаги собиқ талабалари Туркияга кўчиб ўтганлар ва уларнинг ташабbusи билан “Туркистонликлар жамияти”ни тузиш харакати бошланган¹. 1927 йилнинг 29 июляда Межидиддин Аҳмад (Делил)² раислигида “Туркистон турк генчлари (ёшлари) бирлиги” номли уюшма тузилиб, ушбу ташкилотни тузишдан мақсад туркистонликларда истиқлол ғоясини мусаҳкамлаш, моддий жиҳатдан ночор кишиларга ёрдам беришдан иборат эди³. Туркистон тарихи ва маданиятини ўрганиш ва озодлик учун кураш масалалари, ўзбек миллий байрамларини биргаликда нишонлаш, мушоира ва шеърхонлик кечалари, моддий аҳволи оғир кишиларга ионалар тўплаш, ўзбек миллий матбуот органлари учун мақолалар тайёрлаш кабилар “Туркистон турк ёшлари бирлиги” ташкилоти фаолиятининг асосини ташкил этган.

XX асрнинг 30-йилларида совет ҳукумати талаби билан Афғонистондаги ўзбек зиёлиларига нисбатан жабр-зулм ўtkазилади. Бундан хабар топган Камол Отатурк Туркиядаги афғон элчиси Файз Мухаммадхонни ҳузурига чорлаб: “Агар мамлакатингизда Туркистон мусулмонлари учун жой бўлмаса, бизга топширинг”⁴, - деб айтади.

“Ёш буҳороликлар” партияси аъзоси, БХСР ҳукуматида дастлаб молия нозири, кейин эса БХСР Марказий Ижроия Қўмитасининг биринчи раиси лавозимида ишлаган Усмонхўжа Пўлатхўжаев (1878-1968) Туркия ҳукуматига сиёсий бошпана сўраб мурожаат қилганлардан бири эди. У 1923 йил сентябрда Истанбулга келган ва уни янги ташкил топган Туркия Республикасининг биринчи президенти Мустафо Камол Отатурк давлат раҳбарларига кўрсатиладиган олий мақомда кутиб олган.

Усмонхўжани ўз меҳмонидек қабул қилган Мустафо Камол унга эндиғина шаклланиб келаётган ёш Туркия Республикаси ҳукуматида масъул вазифада ишлашни таклиф этади. Бу таклифга жавобан Усмонхўжа бундан кейин Туркистон маданияти масалалари билан шуғулланиш мақсади борлигини айтади. Мустафо Камол Усмонхўжага маънавий ва моддий мадад беришини айтиб, унга Туркия давлати миқёсидаги нафақа белгилайди. Ушбу нафақани Усмонхўжа умрининг охиригача, вафотидан

¹ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. б. 52.

² М. Аҳмад Делил 1902 йилда Тошкентда туғилган. 1922-1923 йилда туркистонлик талабалар билан Истанбулга ўқиш учун келган. 1928 йилда Истанбул университети тиши касалликлари факультетини тугатиб, олий маълумотли врач бўлган.

³ Prof. Dr. A. Andican. *Turkistan Mucadelesi*. – Istanbul, 2003. s. 308.

⁴ Сайд Мубаширхон Косоний. *Хотиралар*. “Дунё” журнали. Нишона сони, (1993), б. 29.

сүнг эса хотини оладиган бўлди¹. Усмонхўжа Туркияда ўзбек ва туркий халқлар маданиятини тарғиб қилувчи маҳсус газета “Янги Туркистон” (“Yeni Turkistan”)ни нашр қилдирган, Туркиядаги “Туркистон култур жамияти”нинг асосчиларидан бири бўлган².

Мустафо Камол Туркияга келган туркестонлик зиёлиларга арzon нархларда мол-мулқ, ер ва чорва моллари бериш тўғрисида қарор чиқаради³. Унинг президентлиги даврида Туркиянинг нуфузли олийгоҳларида кўплаб ўзбек зиёлилари фаолият олиб боришган.

1930 йил 10 октябрда “Туркистон турк ёшлари бирлиги” тузилганлигининг 3 йиллиги муносабати билан “Бирлик” уйида байрам тантанаси уюштирилган. Уюшма раиси М. Аҳмад, “Янги Туркистон” журналининг муҳаррири Усмонхўжа Пўлатхўжаев, собиқ талабалардан Аҳмад Найим⁴, Туркияда таҳсил олган туркестонлик қизлардан Розия хоним, Маъмурда хонимлар йигилганлар олдида маъруза қилишган. Маърузачилардан Аҳмад Найим ўз нутқида: “Туркистон миллий истиқлонини олмагунча ўз болаларини ўз тули ила тарбия қила олмас. Ўз

¹ Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. *Усмон Ҳўжса*. Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2001. б. 22.

² Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. *Усмон Ҳўжса*. б. 24.

³ Ирисов А. *Ватан меҳри*. “Гулистон” журнали, № 4, 1995. б. 45.

⁴ **Аҳмад Найим** (1900-1984) “Ёш бухороликлар” партиясининг аъзоси. Ота-онасидан эрта етим қолган Аҳмад Найим 1907 йилда амакиси билан Истанбулга кетади. 1907-1914 йилларда ибтидоий мактабда, лицейда, “идади” деб аталадиган ўсмирлар таълим масканида ўқиган. Бу пайтда Туркияде “Ёш турклар” ҳукумати таъсири остида илгор ислоҳотчилик ва маърифатчилик ғоялари кенг тарқалган эди. Мамлакатда Европадаги фан ютуқлари ва илгор ғояларни ўзида жамлаган энциклопедиялар ҳамда китобларни француз тилидан турк тилига таржима қилиш кенг йўлга қўйилган эди. 1914 йилда Бухорога қайтган Аҳмад Найим ёш бўлишига қарамай, жадидчилик ҳаракатига қўшилади. 1917 йил апрелдаги воқеалардан сўнг, Истанбулга қочиб кетади. 1918-1920 йилларда Истанбул университетида ўқиб юрган кезларида Бухорода амирлик тартиби ағдарилганлиги ва БХСР тузилганлигидан хабар топади. 1922 йилда Аҳмад Найим Туркияга ташриф буюрган бухороликларнинг вакили Садриддин исмли киши орқали А. Фитратнинг Бухорога таклифини олган ва Бухорога келган. 1922 йилнинг ёзида Германияга ўқиш учун кетади. 1924 йилда БХСР тугатилгач, Германияда таҳсил олиб қайтган бир гурух ёшлар асоссиз равища “сотқин”, “ватан хоини” каби айбловлар билан ўлдирила бошлайди. Аҳмад Найим 1925-1930 йилларда талабаларнинг Ўзбекистонга қайтиши хавфли эканини англаб, уларни Туркия Республикасига жойлаштириш тадбирларини кўрган. Ўша пайтда Туркияде бошпанага эга бўлиш осон эмас эди. Германияда таҳсил олаётган 14 талабадан 6 тасини Туркияга олиб келиб ҳаётини сақлаб қолади. Аҳмад Найим 1954 йилда Истанбулда тузилган “Туркестонликлар култур ва социал ёрдамлашма жамияти” (“Туркистон маданий ва ижтимоий ёрдам жамияти”)нинг биринчи раиси бўлган. Мазкур жамият Туркиядаги миллатдошларни бирлаштириш, миллий маданият ва тилини сақлаш, маданий жиҳатдан бир-бирларини кўллаб-куvvatлаш мақсадида тузилган эди. Аҳмад Найим бу жамиятни 1960 йилга қадар бошқарган.

*мустақиллигини олатурғон куни қўп узоқ эмас! Яшасун, миллатпарвар ёшлар!*¹ – каби жумлаларни айтиб ўтади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида “Туркистон турк ёшлари бирлиги” ташкилоти фаолияти тўхтаб қолади. 1949 йилда Усмонхўжа Пўлатхўжаев ёрдами ва маслаҳати билан Зиёвуддин Бобоқурбон “Туркистон талабалар бирлиги” ташкилотини тузган. Бироқ бу ташкилот ҳам узоқ вақт фаолият олиб бора олмаган.

1954 йилда Истанбулда “Туркистонликлар культур ва социал ёрдамлашма жамияти” (“Туркистон маданий ва ижтимоий ёрдам жамияти”) тузилган. Унинг биринчи раиси Аҳмад Найим бўлган. Мазкур жамият Туркиядаги миллатдошларни бирлаштириш, миллий маданият ва тилини сақлаш, маданий жиҳатдан бир-бирларини қўллаб-куватлаш мақсадида тузилган 1960 йилга қадар фаолият юритган².

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро ёшлари 1909 йилдан бошлаб, Туркияда турли хил жамиятларга асос солдилар. Булар “Бухоро таъмими маориф жамияти” (1909-1913 йиллар), “Туркистонликлар жамияти” (1922), “Туркистон турк генчлари (ёшлари) бирлиги” (1927-1945), “Туркистон талабалар бирлиги” (1949), “Туркистонликлар культур ва социал ёрдамлашма жамияти” (1954) кабилардан иборат бўлиб, бу жамиятлар Мустафо Камол бошчилигидаги Туркия ҳукумати ва ундан кейинги даврда ҳам доимий қўллаб-куватлаб турилди. Уларга эркин матбуот органлари ташкил этиш, илмий марказлар очиш, ўзлари истаган соҳада фаолият юритишлари учун имкониятлар мумкин қадар яратиб берилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Мустафо Камол Отатуркнинг инсонийлиги ва ғамхўрлиги туфайли ўзбек зиёлиларининг анча қисми ўз ҳаёт йўлларини янгидан тикладилар ва Туркия илм-фани тараққиётiga ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Совет ҳукумати томонидан зиёлиларга нисбатан ўтказилган қатағонлар натижасида Туркияда таҳсил олиб ўша ерда қолиб кетганлар ва у ерга қочиб кетганлар тақдири ҳали-ҳануз тўлалигича ўрганилмаган бўлиб, уларни тадқиқ қилиш икки томонлама илмий ҳамкорликни талаб қиласди. Туркия давлат архивларида ишлаш, ўша йилларда нашр қилинган газета ва журналларни ўрганиш натижасида турли сабабларга қўра қолиб кетган талабаларимиз ва муҳожирларимиз ҳақида янги маълумотлар топишимиз мумкин. Бундан ташқари, собиқ талабаларимиз ва муҳожирларимизнинг шу кеча-кундузда Туркияда яшаётган фарзандлари

¹ Элтар. *Истанбулда Туркистон куни*. Ёш Туркистон, № 12, (1930), б. 32.

² Ҳайитов Ш ва б. Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2005. б. 118.

ҳам бу хайрли ниятимизни рўёбга чиқишида яқиндан ёрдам беришлари шубҳасиз.



*Усмонхўжса Пўлатхўжса ўғли (ўртада оқ саллали) 1910-йилда Қиримдан
Истанбулга келганида (1909-йил Багчасоройда Ислам Гаспиринскидан
жадид мактаблари таълими ҳақида маълумот олган)*

- Темур Хўжса архиви -